
БИРЛАШСАК КОРОНАВИРУСНИ ТЕЗ ОРАДА ЕНГАМИЗ

Фарғона туманида аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, карантин даврида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш, ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман ҳудудига Коронавирус COVID-2019 кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида Водил шаҳарчаси ҳудудида жойлашган барча идора, корхона ва ташкилотлар, Каптархона савдо мажмуаси ҳамда савдо шаҳобчаларида ялпи зарарсизлантириш ишлари ўтказилди. Янги аср МФЙ ҳудудидаги Мустақиллик Шукуронаси кўчасидаги 16та кўп қаватли уйлар, Аввал МФЙ Фарғона кўчасидаги 6 та кўп қаватли уйлар 10та савдо шаҳобчалари, 3 та дорихона ва кўчалар, Водил МФЙ Марғилон, Пешвозов кўчаларида жойлашган 27та кўп қаватли уйлар 121та хонадон, Ямбароқ, Ёйилма, Каптархона, Мехнатобод, Юқори Водил, Обод, Бўстон, Ҳосилот, Саноат, Хўжа Аҳмад Валий, Гулпиён, Миндон, Дехқонобод, Лоғон МФЙ ўрамларидаги бир қатор кўчалар, чегара олди ҳудудлари ЁҚҚ ўт ўчириш машинаси, Мудофа ишлар бўлими томонидан жалб қилинган машина ва ОВХ тракторларида ҳамда Фарғона туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази зарарсизлантириш бўлимининг 11 нафар дезинфекторлари ва 30 нафар бандлик томонидан ишга жалб этилган ходимлар томонидан 300кг гепаклор натрий 50кг гепаклор СА зарарсизлантирувчи воситалари билан 84000 м.кв. майдонда ялпи зарарсизлантириш ишлари

2020-07-17 14:52:53